

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

**643 Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-хукукий ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ-2003-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ буюртманомада кўрсатилган селекция ютуғи синовларининг кўйидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси — ўсимликларнинг янги навлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси — янги хайвон зотлари бўйича.

2. Ўсимликларнинг янги навлари бўйича буюртманомада кўрсатилган селекция ютуғи синовларини ўтказадиган Давлат нав синаш станциялари ва давлат нав синаш участкалари рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилаб қўйилсинки, хайвонларнинг янги зотлари бўйича буюртманомада кўрсатилган селекция ютуғи синовлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси томонидан хайвонларнинг янги зотлари яратилган ташкилотлар — чорва наслчилиги субъектларида ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда селекция ютуқлари синовларини ўтказиш услубиётини ишлаб чиқсин ва белгилangan тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 октябрдаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича давлат бош инспекцияси тўғрисидаги низом 7-бандининг тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«селекция ютуғи экспертизаси ва синовини белгилangan тартибда ўтказиш».

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

52 (I)-сон

— 29 —

643-модда

хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 29 декабрь,
369-сон